E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

РУС ТИЛИ НЕГИЗИДА ЯРАТИЛГАН ДАСТЛАБКИ КЎП ТИЛЛИ ВА МЕЪЁРИЙ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Содиқова Севинч Алиевна
Ўзбекистон Миллий Университети катта
ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)

Ўзбек ўқув луғатчилигида русча-ўзбекча, ўзбекча-русча ўқув луғатларининг яратилишида икки давр фарқланади:

1) 1878 йилдан 1917 йилгача бўлган давр. Чор Россияси ҳукмронлиги даврида яратилган русча-сартча икки тили ўқув луғатлари;

2) Октябр тўнтаришидан XX аср охирларигача бўлган давр. Шўро ҳокимияти даврида яратилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча икки тилли ва ўзбек тилининг турли сатҳлари, адабий меъёрларини ўқитишга хизмат қилган бир тилли ўқув луғатлари.

Маълумки, XIX асрнинг охирларидан Чор Россиясининг Марказий Осиёни истило қилиш ва Туркистонни ўз мустамлакасига айлантириш ҳаракатлари бошланади. Бу эса, ўз-ўзидан, ерли аҳолининг рус тили, мустамлака остидаги халқларни бошқариш учун чор амалдорларининг ўзбек тилини тезкор ўрганиш заруриятини юзага келтиради. Туркология ва шарқшунослик фанларининг юзага келишига аслида ҳукмрон мафкуранинг тил сиёсати билан боғлиқ мақсадларини амалга ошириш эҳтиёжи сабаб бўлган эди. Ушбу даврга мансуб тилшунослик манбаларининг асосида ҳам ерли халқ тилининг сўзлашув учун муҳим бўлган лексик, грамматик диалектал, орфоэпик хусусиятлари ётган ва бу тадқиқотларнинг натижаси икки тилли қисқача таржима луғати, сўзлашгичлар, чўнтак луғатларининг тузилишига хизмат қилган. Хусусан, А.Старчевскийнинг “Спутник русского человека в Средней Азии” (СПБ, 1878), “Переводчик с русского языка на сартовский” (СПБ,1886), Ш.Ишаевнинг сўзлашув намуналари ҳам илова қилинганлиги билан характерланадиган “Краткий русско-сартовский и сартовско-русский словарь” (Тошкент, 1880), В.П.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг 1894-1912 йиллар оралиғида бир неча марта қайта нашр этилган “Русско-сартовский и сартовско-русский словарь” (Қозон, 1894; Самарқанд, 1898; Тошкент, 1912), С.Лапиннинг “Карманный русско-узбекский словарь” (Самарқанд, 1899), Т.Кияс-Бековнинг “Словарь и элементарная грамматика сартовского языка” (1908), А.Ефимовнинг “Спутник русского врача по Средней Азии” (1909), Н.Смоленскийнинг “Полный карманный русско-сартовский словарь” (1912), М.Преображенскийнинг “Карманный русско-сартовский словарь” (1917) ва шу каби бошқа луғатларни келтириш мумкин.

Ишнинг иккинчи бобида кўриб ўтилганидек, антик ўқув луғати намуналари, одатда, ўз даври мафкураси манфаатлари учун хизмат қилган ва кўп ҳолларда даврнинг таниқли шахслари, ҳокимият арбобларининг шахсий буюртмасига кўра яратилган. Чор ҳукумати буюртмаси асосида яратилган юқоридаги русча-сартча, сартча-русча луғатлар зиммасига нафақат тил ўрганиш, балки миллатни, унинг маданияти, қизиқиши, қадриятларини ўрганишдан иборат соф ижтимоий-сиёсий вазифа юкланган эди.

Луғатшунос А.Мадвалиев бу тоифадаги луғатларнинг тузувчилари аксарият ҳолларда чор офицерлари, миссионерлар бўлганини таъкидлайди. У ўз фикрига далил сифатида А.Старчевскийнинг 13 минг ўзбекча сўзликка эга бўлган “Спутник русского человека в Средней Азии” (Рус кишисининг Ўрта Осиёдаги ҳамроҳи) луғати сўз бошисида муаллиф томонидан айтилган қуйидаги изоҳни келтиради: “Биз Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмини эгаллаганимизга деярли 12 йил бўлганига ва ... у ердаги бир неча миллатлардан иборат мусулмон аҳолиси орасида аллақачон минглаб рус кишилари борлиги, Туркистон ўлкасига ҳар йили маҳаллий тилларни билмайдиган кўплаб ҳарбий амалдорлар, руҳонийлар, савдогарлар, фабрикант ва саноатчилар юборилаётганига қарамай, бизда ҳозиргача бу ўлкага келаётганлар учун бирорта сўзлашув китоби, бирорта қўлланма

мавжуд эмас. Ерли халқ орасида яшаб туриб, атрофингдаги одамлар нима ҳақида гапираётгани ҳақида бирон та ҳам сўзни тушунмаслик ачинарли ҳол... Рус кишисига, у ким ва қандай амалда бўлмасин, бизнинг Туркистонимизда ва унга қўшни мамлакатларда амалда бўлган тиллар билан танишиш мақсадида ... шу тилларнинг бир қадар тўлиқроқ луғатларини туздик".

Шунингдек, тилшунос С.Нормаматов ҳам бу даврда яратилган луғатларнинг мафкуравий мақсадлар учун хизмат қилганини тасдиқлайди: "XIX аср ва XX бошларида яратилган, яъни кейинги давр луғатчилиги Ўрта Осиёни забт этиш эҳтиёжига бўйсундирилган луғатчилик бўлган.

Будагов, Радлов, Мелиоранский ва бошқа йирик олимларнинг туркий тилларни ўрганишни назарда тутишдан ҳам кўра, кўпроқ халқни ўрганишни, босиб олишга хизмат қилишда қўл келадиган луғатлар тузиш орқали уларни қарам қилишни назарда тутган ҳолда фаолият кўрсатганлари маълум. Остроумов, Пантусов, Наливкин, Наливкина, Терентьев каби шахслар томонидан тузилган кўпгина таржима луғатлари шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилган дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, XX асрнинг биринчи чорагида яратилган (Ўзбекистонда) асосий луғатлар таржима луғатлари характерида бўлганлиги ҳам шу сабаблидир".

Хуллас, Октябрь тўнтаришига қадар яратилган луғатлар соф мафкуравий мақсадлар учун хизмат қилганлиги билан характерланади. Асосида тил ўргатишдан иборат амалий мақсад ётганлиги учун бу босқичга мансуб луғатлар соф лексикографик маҳсулот эмас, балки жаҳон ўқув луғатчилигида кузатилгани каби луғат-грамматика, луғат-дарслик характерига эга эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу даврда чоризм манфаатлари учун бўйсундирилган луғатлар билан бирга, жадидларнинг миллатни маърифатли қилиш, сиёсий онгини ўстириш, тил ўрганиш орқали дунёқарашини кенгайтириш учун хизмат қилган луғатлар ҳам юзага келади.

Жадид маърифатпарварларининг луғатчилик фаолиятини тадқиқ қилган С.Нормаматов жадидчиликни ўзбек тилшунослиги ва унинг таркибий қисми бўлган луғатчиликни юзага келтирган оқим деб ҳисоблайди. У бу даврда яратилган умумфилологик характердаги турли таржима луғатлари қаторида маорифдаги янгича ўқитиш тизимида таълимий эҳтиёж туфайли ўқув луғатларининг ҳам яратилганлиги ва шу асосда ўқув луғатчилигининг шакллана бошлаганлигини таъкидлайди.

Лексикограф А.Мадвалиев "Айни ўша даврда – чор Россияси мустамлакачилиги даврида тузилган ва Туркистонни ўзлаштириш ишига ҳисса қўшган русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар билан бир қаторда маҳаллий муаллифларнинг – янгича фикрловчи ўқимишли зиёлиларнинг таълимий-маърифий мақсадни кўзлаб яратган, ушбу соҳадаги азалий анъанани давом эттирган икки тилли ва кўп тилли луғатлари ҳам дунёга келган"ини таъкидлаб, бунга мисол сифатида жадид маърифатпарварларидан Исҳоқхон Ибратнинг "Луғоти ситта алсина" ва Салоҳиддин Тошкандийнинг "Луғати салос" номли таълимий мақсадда яратилган луғатларини келтиради.

Маълумки, XIX асрнинг 90-йилларидан XX асрнинг 30-йилларига қадар фаол ҳаракат олиб борган жадидлар ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, маънавий юксалишида муҳим роль ўйнаган. Хусусан, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулда Қодирий, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон, Абдурауф Фитрат, Исҳоқхон Ибратларнинг миллат тараққиётидаги хизматлари таҳсинга лойиқ.

Исҳоқхон Ибратнинг 1901 йилда Тошкентда нашр этилган "Луғоти ситта алсина" ("Олти тил сўзлари") луғати А.Мадвалиев таъкидлаганидек, том маънода ўқув луғати тоифасига мансуб луғат эди. Ибрат ўз даврининг етук зиёлиси, миллатпарвар адиб сифатида она халқини жаҳон маданияти, илғор фан ва техника ютуқлари, янгиликлари

билан таништириш мақсадида ниҳояда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур луғатни тузиб чиқади. Луғат манбаларда “Сарт тили луғати” ҳам деб юритилиб, унда феъл, от, сифат, сон ва олмош туркумларига оид 1035 та сартча (ўзбекча) сўзнинг давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган рус, араб, форс, турк, ҳинд тилларига таржимаси (муқобили) берилган.

“Луғоти ситта алсина” шарқ ва ғарб луғатчилиги тамойилларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, лингвомаданий характерга эгалиги билан ажралиб туради. У аслида кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган, муаллиф уни “саёҳатчилар учун сўзлашгич” деб характерлайди. Луғатнинг кўп тилли эканлиги унинг, ҳақиқатдан ҳам, савдо мақсади билан яратилганлигини тасдиқлайди. Муаллиф фойдаланувчилар учун қулай бўлишини ҳисобга олиб, сўзликни жойлаштиришда лексикографиядаги энг илғор ва самарали усул бўлган идеографик усулни қўллайди. Луғат ҳажман кичик, у жами 53 бетдан иборат.

Шунингдек, Салоҳиддин Тошкандийнинг 1909 йилда яратилган “Луғати салос” деб номланган уч тилли – арабча-форсча-туркча луғати ҳам ўз даврида таълимий мақсадда яратилган луғатлардан экани билан характерланади. Мазкур луғат устида махсус тадқиқотлар олиб борган С.Ғофурова уни асосли равишда ўзбек тилидаги илк ўқув луғати деб атайди: “Муаллиф ўз асарини мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ва талабаларга мўлжаллаб ёзганлиги сабабли уни шеърий усулда яратган. Дарҳақиқат, ёдлаб олинган ҳар қандай матн хотирада узоқ сақланади ва тил ўрганишни осонлаштиради. Шу жиҳатдан асарни илк ўқув луғатларидан бири деб ҳисоблаш мумкин”.

Луғат маснавий жанрида ёзилган бўлиб, 505 байт, 1010 мисрадан иборат. Унда жами 3432 сўз берилган бўлиб, шулардан 1305таси арабча, 971таси форсча ва 1156таси туркча сўз. Бундан ташқари, китоб ҳошияларида айрим парча, мисол, изоҳ ва тўлдиришлар ҳам мавжудки, улар билан луғатдаги сўзлар миқдори анча кўпаяди.

WORDLY
KNOWLEDGE